

«Насирул Қуръан» нашриёти Ислом цивилизацияси марказида



14:34 / 07 январь 729

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига Малайзиянинг «Ресту» жамғармаси ҳамда «Насирул Қуръан» (Қуръони Карим нашри билан шуғулланувчи ташкилот) раиси, профессор, доктор Дато Абдул Латиф Мираса бошчилигидаги делегация аъзолари [ташриф буюрди](#).

Ташриф доирасида «Қуръони Карим зали»да намойиш этилган экспозициялар доктор Дато Абдул Латиф Мираса томонидан алоҳида эътироф этилди. У «114 Қуръон» лойиҳасини ноёб, дунё миқёсида муҳим ва юксак илмий-маърифий аҳамиятга эга ташаббус сифатида баҳолади. Шунингдек, залда қўлланилган Португалиядан олиб келинган ноёб гулранг мармар, унинг такрорланмас хусусиятлари, мураккаб меъморий нақшлар, равоқларда жойлаштирилган гиламлар ҳамда суюқ олтин билан ишланган безак элементлари доктор Дато Абдул Латиф Мирасада катта ҳайрат уйғотди.

«Қуръони Карим зали» марказида юқори хавфсизлик чоралари асосида сақланаётган муқаддас Усмон мусҳафига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром ҳам меҳмон томонидан алоҳида қайд этилди. У бу ёндашувни Қуръони Карим ва Ислом динига бўлган чуқур ҳурматнинг ёрқин ифодаси сифатида баҳолади.

Ташриф якунида профессор, доктор Дато Абдул Латиф Мираса ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, шундай деди:

– Бу ерда бўлиб турганимдан жуда бахтиёрман. Сизнинг Президентингиз ислом цивилизациясининг ўтмишдаги буюк шон-шухратини тиклаш йўлида улкан ва таҳсинга лойиқ ишлар қилмоқда. Кўплаб мамлакатларда бўлганман, АҚШда таҳсил олганман, Европа ва бошқа кўплаб давлатларга сафар қилганман. Аммо бу ерда кўрганларим мутлақо ўзгача – жуда буюк ва ноёб манзара. Бу ерда тарих ва замонавийлик уйғунлашган. Дунёнинг турли мамлакатларидан олиб келинган илғор технологиялар асосида ҳақиқий санъат асари – бетакрор ва улкан дурдона яратилган.

Ташриф доирасида Халқаро хаттотлик мактабида делегация аъзолари ва Марказ вакиллари иштирокида расмий учрашув ҳам бўлиб ўтди.

Учрашув давомида томонлар ўртасида келгусидаги ҳамкорлик истиқболлари, қўшма илмий-маърифий ва маданий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, доктор Дато Абдул Латиф Мираса Қуръонни математика, технология ва табиий фанлар билан уйғунлаштиришга қаратилган инновацион лойиҳа ҳақида маълумот берди.

Мазкур ташаббус ёш авлодга Қуръони Карим мазмунини илмий ёндашув асосида тушунтириш, шу орқали уларда илмий фикрлаш ва тадқиқотга бўлган қизиқишни кучайтиришни мақсад қилади.

Шунингдек, «Ресту» жамғармаси ҳамда «Насирул Қуръан» томонидан олий таълим муассасалари профессорлари учун махсус ўқув дастурлари амалга оширилаётгани маълум қилинди.

Ушбу дастурлар доирасида профессорлар Қуръон ва фанлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўқитиш услуги бўйича тайёрланиши режалаштирилган.

Шунингдек, Марказ томонидан режалаштирилаётган «Янги Ўзбекистон Қуръони» лойиҳаси доирасида Малайзия томонидан етакчи хаттотларни жалб қилиш ҳамда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув давомида Малайзияда чоп этилган Қуръони Каримнинг ўзбекча нусхаси тақдим этилди.

Учрашув якунида томонлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, келгусида Ўзаро англашув меморандумини имзолаш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Эслатиб ўтамиз, 2025 йил 9 декабр куни «Hilol Nashr» ҳамда «Насирул Қуръан» нашриётлари ўртасида меморандум [имзоланган эди.](#)